

Special Issue on “Innovative Economy: Challenges, Analysis and Prospects for Development”
Published in Aug-2021

Prospects for Strategic Development of Agricultural Enterprises

R.X.Ergashev¹

AD Ravshanov²

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалиги корхоналарининг стратегик бошқарув самарадорлиги, унга таъсир қилувчи омиллар, қишлоқ хўжалиги корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш ва рақобатбардошлигини баҳолаш ҳамда рақобатбардошлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизmlарини такомиллаштириш масалалари ёритиб берилган.

Ключевые слова: стратегик бошқарув, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти, рақобатбардошлик, самарадорлик, ички ва ташқи омиллар, инновация, инвестиция, интеграл кўрсаткичлар, стратегия, баҳолаш, барқа-рорлик.



ACADEMIC
JOURNAL

¹Professor of Karshi Institute of Engineering Economics

²Associate Professor of Karshi Institute of Engineering Economics

Кириш. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг узоқ муддат-ли ютуклари ишлаб чиқилган стратегияга боғлик бўлади. Агар қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ривожланиш стратегияси бўлмаса у ёки бу хатоликлар билан ишлаб чиқилган бўлса, бу ҳол қишлоқ хўжалиги корхоналарига бозорда барқарор ва мустаҳкам ўрин эгаллаш учун имкон бермайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони қабул қилиниб қишлоқ хўжалик соҳасидаги кенг кўламли ўзгаришлар ва озиқ-овқат тармоғини истиқболда барқарор ривож-лантириш соҳада давлат сиёсатини янгича ёндашувлар асосида вазифалар белгилаб берилган ва уларни амалга оширишга хизмат қиласди [1].

Бу ҳали ҳанузгача стратегик бошқаришнинг барча муаммолари ҳам ўз ечимини топмаганлигини кўрсатадики, бундай ҳол, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини ривожланиши стратегик барқа-рорлигининг механизмларини ишлаб чиқиши билан боғлик.

Стратегик бошқарув тизимида қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг келажак фаолиятининг ретроспектив кўрсаткичларини ўрганиш ва экстраполяция усулини қўллаш асосида белгиланиши назарда тутилади.

Экстраполяция – бу ўтган замонда ўрнатилган тенденцияларни келгуси давр учун ҳам жорий этилишидир. Бошқача айтганда, прогноз ишлаб чиқишида, келгусида корхона фаолиятининг шарт-шароитлари ёмонлашмайди, демак, ўтган даврларга нисбатан корхона фаолиятининг якуни яхши бўлишилгидан келиб чиқиласди. Қишлоқ хўжалиги корхоналар тараққиётини оширувчи тенденция (тренд) нинг намоён бўлиши шундан иборатdir.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг келажакдаги барқа-рорлигини баҳолаш учун ривожланиш тенденциясини (трендини) ифода-ловчи комплекс интеграл кўрсаткич ишлатилади чуқурроқ таҳлил қилиш ва захираларни аниқлаш учун кўрсаткичларнинг кенгайтирилган тизими-дан фойдаланилади. Шундай килиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг келажакдаги барқарорлигини баҳолаш – қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг турли томонларини баҳолашни назарда тутади, бунинг устига, бундай баҳолаш динамикликада ва маконда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “таркибий ўзгаришларни чукурлаштириш, қишлоқ хўжалиги соҳасига илғор фан-техника ютуқ-ларини жорий этиш, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини рақобат-бардошлигини ошириш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтириш” каби устувор вазифалар белгиланган [2]. Ушбу вазифаларнинг самарали ижроси таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги корхоналарини инновацион ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рақобатбар-дошлигини ошириш ва пировард натижада қишлоқ хўжалиги корхоналари самарадорлигини оширишни тақазо этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини стратегик ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш йўллари қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг самарали йўналиши саналади. Ушбу тадқиқот йўналишида бир қанча мамлакатимиз олимлари шуғулланиб келмоқдалар. Жумладан, Р.Х.Эргашев, А.Д.Равшанов илмий ишларида қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини стратегик ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш ҳисобига маҳсулот таннархини камайтириш ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини стратегик ривожлантириш

йўллари ишлаб чиқилган [3]. М.Қ.Пардаевда қишлоқ хўжалигида тежамкор технологияларнинг жорий қилиниши ва қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиш истиқболлари ишлаб чиқил-ган [4]. А.Д.Равшановда қишлоқ хўжалигида маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг устувор йўналишлари иқтисодий кўрсаткичлари асос-лаб берилган [5]. Т.У.Нурымбетовда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш йўналишлари кўрсатиб ўтилган [6]. Р.Х.Тошматовда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақ-лаш, қайта ишлаш ва сотиш соҳасидаги илғор тажриба таҳлили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг кооперациясини ривожлантиришни самарали рағбатлантириш зарурати мавжудлигини кўрсатиб ўтилган [7].

Тадқикот методологияси. Мақоланинг методологияси, бу илмий ва тобора кенг тарқалган оммабоп фанга айланаётган манбаларни таҳлил қилишдан тортиб, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини стратегик ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш иқтисодиётнинг қиши-лоқ хўжалиги тармоқларида рақобатбардошлигини оширишни жадаллаш-тиришдаги аҳамияти ва ўрни таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги корхона-ларини ривожлантирилишига фақат инновацияларни узлуксиз равиашда жорий этилиши билангина эришиш мумкин. М.Портер компанияларнинг рақобатли устунликка эришишларида инновациянинг ролини қўйидагича аниқлаган “....компания рақобатдаги устунликни инновациялар воситасида кўлга киритади. Улар янги киритилган тартиб-қоидаларга хам янги технологиялардан, хам янги иш усусларидан кенг маънода фойдаланган ҳолда ёндашадилар. Компания янгиликлар туфайли рақобатдаги устунликларга эришганидан кейин, бу устунликларни фақат мунтазам равищдаги яхшилашлар ёрдамида кўлда тутиб туриши мумкин. Рақобатчилар инновацияларни такомиллаштириш ва жорий этишдан тўхтаган ҳар қандай компанияни дарҳол ва албатта четлаб ўтиб кетадилар” [8].

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг рақобатбардошлиги деганда, истеъмолчилар учун рақобатчиларнинг товарларига нисбатан кўпроқ ўзига тортувчан бўлган товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш тушунилади. Рақобат муҳитини узлуксиз назорат қилиб туриш – ишлаб чиқаришни эҳтиёжларни энг самарали усулда қондириш учун мўлжалланган зарурий шартидир. Рақобат муҳитининг ҳолати хақидаги хуносалар, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг инновацион сиёсатини ишлаб чиқиш учун асос бўлади [3].

Моҳиятан, рақобатчилар устидан эришилган устунлик инновациялар ҳисобидан бўлади ва шунинг учун, корхона фаолиятидаги рақобатчилар устидан эришиладиган ҳар қандай устунликни таъминловчи янги элемент-ларни жорий этишга бўлган лаёқат, шу қишлоқ хўжалиги корхоналари рақобатбардошлигининг зарурий ташкил этувчисидир.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини барқарорлиги, унинг давомийлик жиҳатдан узоқ муддатга мўлжалланган самарали фаолият кўрсатишини характерловчи мураккаб иқтисодий категориядир ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг рақобатбардошлиги, иқтисодий хавфсизлиги ҳамда иқтисодий самарадорлик каби учта элементга асосланган. Шуни таъкидлаш керакки, бу элементлар ўзаро чамбарчас боғлиқ ва биргаликда фаолият кўрсатади, бироқ, турлича функционал вазифаларга эга.

Рақобатбардошлик қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг ривожланишини, салоҳиятини, барқарорлигини қишлоқ хўжалиги корхона-ларининг узоқ муддатли истиқболини белгилайди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариши, меҳнат ва бошқа-ришни ташкил этишда, унинг техник ҳамда технологик имкониятларида ифодаланган ишлаб чиқариш салоҳияти инновацияларни ўз вақтида таъминлаб берадиган элементдир. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш салоҳияти қанча юқори бўлса, маҳсулот ишлаб чиқаришга ва унинг сифатига қилинадиган харажатлар улушининг даражаси шунча паст бўлади.

Ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобат-чилар товарларининг сифатидан юқори турувчи сифати, инновацион салоҳиятига чамбарчас боғлиқдир.

Иқтисодий тизимлар ривожланишининг инновацион турига ўтиши зарурияти туфайли юзага келган объектив сабаблар, бутун инновацион-инвестицион жараёнда илмий-техникавий ва иқтисодий омилларнинг сама-рали равишда ўзаро ҳамкорликда ишлаш муаммоларини мажмуавий ҳал этилишини талаб қиласди. Фикримизча, технологик ва иқтисодий салоҳият-ларни оқилона уйғунлаштириш инновацион-инвестицион жараённи бошқа-ришнинг марказий масаласини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг барқарорлигига таъсир кўрса-тувчи омилларга баҳо берилган. Унда корхоналардаги асосий инновацион йўналишлар ҳамда инновацияларни жорий қилишга салбий таъсир қилув-чи омиллар, шу билан бирга инновацияларни ишлаб чиқиш ҳамда қўллаб-куватлашни таъминловчи омиллар таҳлил этилган (1-жадвал).

1-жадвал.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг барқарорлигига таъсир қилувчи омиллар таҳлили

T/p	Омиллар	Омиллар таъсири натижалари
1.	Билим ва кўнишка	Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятида айнан билим ва кўнишмаларни етишмаслиги инновацион бошқарувни жорий қилишга тўскинлик қиласди.
2.	Нарх даражаси	Давлат монополиясидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (пахта, ғалла, пилла) нинг юқорилиги. Қишлоқ хўжалигига алмашлаб экиш имкониятини чеклайди
3.	Коммуникация тизими	Коммуникация тизимини яхши таш-кил қилинмаганлиги сабабли улардан самарали тўғри фойдалана олмаслиги натижасида ахборот ва янгиликларнинг ўз вақтида етказиш муаммосини келтириб чиқармоқда.
4.	Шартнома муносабатлари	Шартномада белгиланган вазифаларни аниқ билмаслиги ва уларга амал қилин-маслиги натижасида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланиш жараёнига ривожланишига тўскинлик қилмоқда
5.	Инновацияларга бўлган қизиқиши	Қишлоқ хўжалиги корхоналари ходимларини инновацияларга бўлган қизиқишининг пастлиги.
6.	Рағбатлантириш	Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятида рағбатлантириш тизимини мукаммал ишлаб чиқилмаганлиги инновацион фаолиятни жорий қилишга қизиқиши пасайтиради

Омилларнинг кўплиги, уларни муайян белгилар бўйича тасниф-ланишини амалга оширишга имкон беради.

Кишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг ташқи мухит омиллар-га қуидагилар киради:

- давлатнинг қишлоқ хўжалиги соҳасини барқарор ривожлантириш-га қаратилган сиёсати;
- мамлакатдаги демографик вазият;
- сиёсий барқарорлик;
- фан ва техниканинг тараққиёти;
- транспорт инфратузилмасини ривожланганлиги ва бошқалар.

Ички омиллар қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ички мухитида шаклланади. Ички омилларни бошқариш қишлоқ хўжалиги корхоналари барқарорлигини аниқлаш ташки омиллар ўзгарган тақдирда ишлаб чиқа-ришни тезкор равишда бошқариш имконини беради.

Кишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига инновацион технология-ларни татбик қилиш, стратегик бошқарув усулларидан самарали фойдала-ниш иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга хизмат қиласди.

Таҳлил натижаларига кўра, қишлоқ хўжалиги корхоналарини инно-вацион фаолиятининг стратегик бошқарувини жорий қилиш учун энг аввало бошқарувдаги кадрлар билим кўникум маълумот алмашиб тизимиға янги ахборот технологияларини жорий қилиш, бошқа-рувдаги ходимларни инновацияга бўлган қизиқишини ошириш, рағбат-лантириш тизимини ишлаб чиқиши, ҳар бир бошқарувчини ўзига юкла-тилган вазифаларни аниқ ва тўлиқ тушуниши ҳамда уларни ўз вақтида бажаришини таъминлаш, норасмий мулоқотлар даражасини камайтириш хизмат қиласди.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш зарурати, қўшимча капитал қўйилмалар киритилишини талаб қилувчи янги қурилиш, мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта тиклаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва ташки-лий-техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш каби барча ҳолларда юзага келади.

Баъзан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг янги турини ишлаб чиқариш ҳам инвестиция ва бошқа маблаглар киритилишини, демак, хара-жат ва натижалар нисбатини аввалдан баҳолашни талаб қиласди.

Инсоннинг илмий-техник фаолияти натижасида янги қишлоқ хўжа-лиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ёки илгари мавжуд бўлган турларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган жараён инновацион фаолият ҳисобланади. Инновацияни жорий этиш натижалари қишлоқ хўжалиги корхоналарига ракобатда мухим устунликка эга бўлиш имконини берадики, бу, қишлоқ хўжалиги корхоналари учун мухим рағбатлантирувчи омил бўлади.

Жаҳон тажрибалари кўрсатишича, қишлоқ хўжалиги корхоналари-нинг илм-фандаги илғор ресурс тежамкор ишланмаларни жорий қили-шидан манфаатдор эканлигини, иккинчидан бу глобал тадбир натижасида республикамиз қишлоқ хўжалиги корхоналари

салоҳиятини янада ривож-лантириш орқали унинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, **учин-чидан**, қишлоқ хўжалиги корхоналарда чукур диверсификациялаш тадбирларини амалга ошириш орқали барқарор ва сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳамда иқтисодий самарадорликни ошириш имкониятларини янада кенгайтиради.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ресурсларни тежовчи технология-ларни муваффакиятли ўзлаштиришнинг асосий шартларидан бири-ресурс-ларни тежовчи технологияларни жорий этиш жараёнини бошқаришга нисбатан уларни қўллаш шароитларига ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг раҳбарлари ва мутахассислари томонидан қабул қилини-шининг ўзига хос хусусиятларига мослаштириш йўли билан ушбу технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга доир хорижий тавсиялари асосида ишлаб чиқилган комплекс ёндашув зарур.

Ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш жараёнини бошқаришга нисбатан комплекс ёндашув тўртта асосий йўналиш бўйича тизимли ишни назарда тутади:

- қишлоқ хўжалиги корхоналарини тўғри ихтисослаштириш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарининг технологик тизимини тако-миллаштириш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарининг моддий-техника базасини модернизациялаш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарига инновацияларини тадбиқ этиш.

Хулоса ва таклифлар.

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини стратегик ривожлантириш ва ракобатбардошлигини ошириш иқтисодий самара-дорликка эришиш учун, аввало, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мақсадлари, шунингдек, воситалари ва унга эришиш усулларини аниқ белгилаб олиш зарур. Юқори сифатли ва ракобатбардош маҳсулотларни энг кам харажатлар асосида ишлаб чиқариш энг кўп даромад олишни таъминлаб, инқирозга учрашдан сақлайди ҳамда ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонасининг асосий вазифаси ҳисобланади.
2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг фаолият кўрсатиш тенденция-лари ва қонуниятларини таҳлил қилиш ҳамда стратегик бошқарув тамо-йиллари асосида унинг ракобатбардошлигини ошириш зарурлиги баҳола-нади. Барқарорлик – корхона фаолиятининг натижадорлигидан, ракобат-бардош салоҳиятини амалга оширишдан, ракобатбардошлик эса – қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш ҳамда ракобатбардош маҳсулотни сотишдаги имкониятини белгилашдан иборат бўлганлиги учун, бу тушунчаларнинг бирга кўшили-шини ҳисобга олиш, корхонага ўз ракобатбардошлигини оширишнинг оптимал стратегиясини шакллантириш имконини беради.
3. Стратегия устуворликларни ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалиги корхоналари характеристикасини ҳамда маҳсулот ракобатбардошлигини интеграцияловчи йиғма кўрсаткични аниқлашга асосланадиган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ракобатбардошлигини баҳолаш услубидан кенг фойдаланиш зарур. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ракобат-бардошлигини баҳолаш – ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсу-лотлари, амалга оширилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматлар бозорида кластер иштирокчиларининг барқарорлигини ошириш учун, илғор фан

техника ва технологияларни жорий этишнинг инновацион дастури билан бирлашган корхона ва субъектларнинг барқарор ҳудуд-тармоқ шерикчилиги асосида кластер ёндашувдан самарали фойдаланиш имконини беради.

4. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳозирги куннинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларга бўлган талаби йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу талабни қондириш қишлоқ хўжалиги корхоналари маҳсулот ишлаб чиқаришига инновацион технологияларни қўллаш, етарли ҳажмда инвестициялар киритиш ва янги самарали усуллардан фойдаланиш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Респуббли-каси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сонли Фармони, 2019 йил 8 октябрь
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракат-лар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 7 февраль.
3. Ergashev, R. K., and A. D. Ravshanov. "Ways of Strategic Development and Increase of Competitiveness of Agricultural Enterprises." *JournalNX*, vol. 7, no. 1, 2021, pp. 99-105.
4. Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т.Х., Пардаев О.М. Модернизация, диверсификация ва инновация-иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари. Монография. -Т.: “Наврўз” нашриёти, 2014, -99 бет.
5. A.D.Ravshanov. Issues of sustainable development of digital agriculture and its provision of qualified personnel Academicia an international multidisciplinary research journal (double blind refereed & peer reviewed journal) Vol. 11, Issue 2, February 2021 DOI: 10.5958/2249-7137.2021.00565.6 S.1683-1688
6. Т.У.Нурымбетов Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсифи-кациялаш йўналишлари Автореф. дис. иқт. фан. номз. – Т., 2019. – 53 б.
7. Тошматов Р.Х. Ўзбекистон ҳудудларида мева-сабзавотчиликни ривожлантириш: методологияси, таҳлил ва прогноз. Монография “LESSON PRESS” 2017 й 124 б
8. Портер М. Международная конкуренция: Пер. с англ./ Под.ред. В.Д.Щетинина. – М. Международные отношения, 1993. – 64 с;
9. Эргашев Р. Х., Хамраева С. Н., Файзиева Ш. Ш. Инновационное развитие инфраструктуры сельского хозяйства: проблемы и пути его достижения //Феномен рыночного хозяйства: от истоков до наших дней. Партнерство в условиях риска и неопределенности. – 2020. – С. 310-319.
10. Эргашев Р. Х., Хамраева С. Н. Совершенствование механизмы инновационного развития инфраструктуры сельского хозяйства //Друкується за рішенням Вченої ради Державного університету «Житомирська політехніка»(Протокол № 12 від 25.11. 2019 р.) Редакційна колегія: д. е. н., проф. ВВ Євдокимов. – 2019. – С. 355.
11. Ergashev, R. The ways of fishing farms management and developing the production activity / R. Ergashev, U. Beglaev // International Journal of Scientific and Technology Research. – 2020. – Vol. 9. – No 2. – P. 919-921